


## Фикҳ дарслари (234-дарс) Ислом дини енгиллик дини эканлигига далил

Image not found or type unknown



19:00 / 08.06.2023 3455

يُدِحُّ أَوْ مَالَسَ دُعْبُ بَجِي  
مَالَسَ وَ دُهُشَتَ وَ نَاتَدَجَسَ  
رَّرَكْ وَأَ رَّخْ وَأَ ، أَنْ كُرَّ مَدَقْ وَ ل  
هَكَرَتْ وَأَ ، أَبَجَّ أَوْ رِّيَغْ وَأَ



مَلْ أَمَ دَعَقْ أَرِيخْ أَدُعَقِي  
نِإو، وَهَسَلْ دَجَسَو، دُجَسَي  
، أَلْفَنُ هُضْرَفْ لَوَحَتْ دَجَس  
ءَاشْ نِإْ هَس دَاسْ مَضَو

مَاقْ مَثَ هَرِيخْ أَلْ دَعَقْ نِإو  
دُجَسَي مَلْ أَمَ دَاعْ أَوْهَس  
هُضْرَفْ مَتْ دَجَسْ نِإو، مَلَسَو  
، وَهَسَلْ دَجَسَو هَس دَاسْ مَضَو  
أَلْ لَفَنِ نَاتْ كُرْلْ أَو  
بِرْهَ ظَلْ أِهَسْ نَعْ يِنَ أَبْ وَنَتْ  
أَمْ هِي فِ هِبْ يَدْتْ قِ نَمَو  
. أَمْ هَاضَقْ دَسْ فَا نِإو، أَمْ هَالْ ص  
ي فِ وَهَسَلْ دَجَسْ نِإو

# يَنْبُؤُ نِإِوِي نَبِيَّ الرَّفِّ نِلَا هِيَ لَعُ نَمَّ مَلَسْ نِإِفِ، حَص نِإِءِءَالِّ صِلَا يِفَ وُءَفِ، وُءَسْلَا أَلِءِءِوَدَجَسْ.

Агар намозхон рукни олдинга ёки орқага сурса, ёхуд такрор қилса, ёки вожибни ўзгартирса, ёки унутиб тарк қилса, бир саломдан кейин икки сажда, ташаҳхуд ва салом вожиб бўлади.

Мисоли: қироатдан олдин рукуъ қилиш, учинчи ракъатга туришни ташаҳхуддан зиёда орқага суриш, махфий нарсани ошкора қилиш, қаъдаи аввални тарк қилишлардир. Буларнинг ҳаммаси тарки вожибга киради.

Муқтадийнинг унутиши сабабли саждаи сахв вожиб бўлмайди, балки имомнинг унутиши ва сажда қилиши ила бўлади.

Кейин келиб қўшилган (одам) имоми билан саждаи сахв қилади ва кейин ўзи қолганини қазо қилади.

Агар имом аввалги қаъдага ўтирмай туриб кетса, ўтиришга яқин ҳолдан қайтиб ўтиради, ташаҳхудни ўқийди ва унутган бўлмайди.

Ўтиришга яқин бўлмаган ҳолда бўлса, туради ва саждаи сахв қилади.

Агар намозхон қаъдаи охирга ўтирмай туриб кетса, модомики, сажда қилмаган бўлса, қайтиб ўтиради ва саждаи сахв қилади.

Агар сажда қилган бўлса, фарзи нафлга айланади ва агар истаса, олтинчи ракъатни қўшади.

**Агар намозхон қаъдаи охирга ўтиргнидан кейин унутиб туриб кетса, модомики, сажда қилмаган бўлса, қайтиб ўтириб, салом беради.**

**Агар сажда қилган бўлса, фарзи тамом бўлади ва олтинчи ракъатни қўшади ҳамда саждаи саҳв қилади. Икки ракъат нафл бўлади. Улар пешиннинг суннати ўрнига ўтмайди. Ким унга ўша икки ракъатда иқтидо қилса, иккисини ўқийди. Муқтадий иккисини бузса, қазо қилади.**

**Агар саждаи саҳвни қилган бўлса, улардан кейин қўшимча ўқимайди. Мабодо қўшиб қўйса, намози бўлаверади.**

**Бировга саждаи саҳв лозим бўла туриб, салом бериб юборса, сажда қилса, намозда турган бўлади. Сажда қилмаса, намозда бўлмайди.**

«Саҳв» сўзи луғатда «унутиш» маъносини англатади.

Намозда маълум бир амаллар унутилса, ундан ҳосил бўлган нуқсонни саҳв саждаси қилиш ила тўғрилаб олиш имкони бор. Бу ҳам Ислом дини енгиллик дини эканлиги, Аллоҳ таоло мусулмонларга меҳрибон эканлигининг ёрқин далилидир.

Намозда хато қилган одам уни яна қайтариб ўқимасдан ёки бошқа бирор жавобгарликка қолмасдан, икки марта ортиқча сажда қилиб қўйиш билан ҳамма иш тўғри бўлиб кетаверади.

Энди «Мухтасари Виқоя»да саждаи саҳв ҳақида келтирилган матнни шарҳлашга ўтайлик.

**Агар намозхон рукни олдинга ёки орқага сурса, ёхуд такрор қилса, ёки вожибни ўзгартирса, ёки унутиб тарк қилса, бир саломдан кейин икки сажда, ташаҳҳуд ва салом вожиб бўлади.**

Саждаи саҳвнинг вожиблигига далил:

هَلَلَا يَضَرَّ رَهْرِيْرَهْ يَبَأَنْع  
يَلَصَّ هَلَلَا لُوسَرَّ نَأْهُنَع

سَنَاقِ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ  
هَاجِ يَلَصِي مَاقِ إِذَا مُكَدَحًا  
، هِيَ لَعْلَعَسَ بَلَفُ نَاطِي شَلِ  
إِذَا فِ، يَلَصِي مَكَّ يَرْدِي آلِ يَّتَح  
دُجَسَ يَلَفُ مُكَدَحًا لِكَلِ ذَدَجِ وَ  
هُوَ رُ. سَلِ أَجِ وَهُوَ نِيَّتِ دُجَسِ  
هُوَ سَمَخُ لِ

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз туриб, намоз ўқий бошласа, албатта, шайтон келиб, уни адаштира бошлайди, ҳаттоки у қанча намоз ўқиганини билмай қолади. Бирингиз қачон шундай ҳолни топса, ўтирган ҳолида икки марта сажда қилсин», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

